

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ЭКОТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИНКЛЮЗИВЛИГИ СИФАТИДА

Шамшиев Сардор

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0005-1476-3169

sardor_sh_1996@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада банк экотизимларининг муаммо ва ечимлари, келажакда тижорат банкларининг ривожланишида уларни ташкил этишининг самарадорлигини ошириш. Шунингдек, масофадан туриб банк хизматларини амалга ошириш ва бу орқали фойдаланувчилар сонини ортиши банкнинг кредит ва даромадини кўпайиши билан боғлиқ бўлган мавжуд муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: банк, тижорат банклари, рақамли иқтисодиёт, молиявий технология, экотизим, банк экотизими, банк масофавий хизматлари, тўлов тизими, пластик карточка, банк бизнеси экотизими, пул айланмаси, капитал айланмаси

РАЗВИТИЕ БАНКОВСКИХ ЭКОСИСТЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ КАК ИНКЛЮЗИВНОСТЬ БАНКОВСКИХ УСЛУГ

Шамшиев Сардор

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы и решения в области банковских экосистем, повышения эффективности их организации в развитии коммерческих банков в будущем. Также автор представляет существующие проблемы, связанные с внедрением дистанционных банковских услуг и увеличением числа пользователей, а также предлагает способы их устранения.

Ключевые слова: банк, коммерческие банки, цифровая экономика, финансовые технологии, экосистема, банковская экосистема, дистанционные банковские услуги, платежная система, пластиковая карта, банковская бизнес-экосистема, денежное обращение, движение капитала.

DEVELOPMENT OF BANKING ECOSYSTEMS IN UZBEKISTAN AS AN INCLUSIVENESS OF BANKING SERVICES

Shamshiev Sardor

Tashkent State University of Economics

Abstract. This article discusses the problems and solutions of banking ecosystems, increasing the effectiveness of their organization in the development of commercial banks in the future. Also, the author presents the existing problems associated with the implementation of remote banking services and the increase in the number of users, as well as the author's proposals for their elimination.

Keywords: bank, commercial banks, digital economy, financial technology, ecosystem, banking ecosystem, remote banking services, payment system, plastic card, banking business ecosystem, money circulation, capital circulation.

Кириш.

Молиявий инклюзивлик масаласи кенг маънода Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва унинг очиглигини таъминлаш жараёнлари доирасида Марказий банк фаолиятининг устувор йўналишларини қайта қўриб чиқиш натижасида долзарб масалалар қаторига киритилди. Мазкур даврга қадар амалга оширилган чора-тадбирлар асосан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, аҳолининг кенг қатламларини молиявий хизматлар билан қамраб олиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда молиявий саводхонликни ошириш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаган эди.

Марказий банк томонидан молиявий инклюзивликнинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни ва аҳамияти чуқур англаб тутилган ҳолда, ушбу йўналиш 2017 йилдан бошлаб муҳим устувор вазифалар қаторига киритилди. Кейинчалик, 2019 йилда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши билан молиявий инклюзивлик билан боғлиқ вазифалар норматив-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Хусусан, қонунда кредит ташкилотлари мижозларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш Марказий банкнинг асосий функцияларидан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг устувор мақсад ва вазифаларини ўзида мужассам этган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “Иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операция жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш” устувор вазифалардан этиб белгиланган. Юқоридаги вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида банк соҳасида хизматларни тақдим этишда рақамли технологиялар ва инновацияларни қўллаш ҳамда рақобат муҳитини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар фаоллик билан амалга оширилмоқда” (Фармон, 2022).

Мавжуд инновацион ёндашув банк маҳсулотлари ва хизматлари рўйхатини кенгайтириш ҳамда уларни аҳолининг барча қатламларига етказишнинг муайян шарт-шароитларини шакллантиришга имкон яратади.

Шу билан бирга Ўзбекистон аҳолисининг 38 миллиондан ортиқ эканлигини инобатга олган ҳолда, банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масаласига самарадорлик нуқтаи назаридан ёндашув зарурати юзага келди. Бу ўз навбатида, банк хизматларини чекка ҳудудларгача етказиш, аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва молиявий инклюзивлик даражасини ошириш вазифалари мамлакат ривожланишининг турли даражаларида долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Молиявий операциялар замонавий иқтисодиётнинг асосини ташкил этади. Банкларнинг энг муҳим вазифалари пул айланмаси ва капитал айланмасини узлуксиз таъминлаш орқали миллий иқтисодиётда жамғармаларини тўплаш учун маблағларни инвестициялаш учун кенг имкониятларни тақдим этишдир. Тўловлар ва пул ўтказмалари юқори частотада амалга оширилади ва истеъмолчи билан барқарор алоқани шакллантиради. Кредитлар товар ва хизматларни сотишни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради. Жамғарма ва инвестиция маҳсулотлари корхоналарнинг ривожланиши учун ресурс базасини яратади. Молиявий хизматларнинг реал секторга кириб бориши ва ўзаро боғлиқлик даражаси бугунги

кунда шунчалик юқорики, ушбу хизматлар ҳар қандай йирик экотизимнинг мажбурий таркибий қисми ҳисобланади.

Банк бизнеси экотизимлари – бу молиявий хизматлар кўрсатиш учун биргаликда ишлайдиган ўзаро боғлиқ ташкилотлар, хизматлар ва технологиялар тармоғидир. Улар миждозлар учун инновацион ва самарали ечимларни яратиш учун банклар, молия институтлари, технология провайдерлари ва бозорнинг бошқа иштирокчиларини бирлаштиради. Банк бизнесининг экотизимига нафақат банкнинг ўзи ва унинг миждозлари, балки турли шериклар ва хизмат кўрсатувчи провайдерлар ҳам киради. Булар fintech компаниялари, тўлов тизимлари, суғурта компаниялари, молиявий маълумотларни йиғувчилар ва бозорнинг бошқа иштирокчилари бўлиши мумкин. Улар миждозларга ягона платформа орқали кенг қўламли молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини беради.

Илмий адабиётларда "экотизим" тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд бўлишига қарамай, умумий қабул қилинган таъриф ҳали эълон қилинмаган.

Масалан, Якобидес, Сеннамо, Гавер (2018), Аднер, Иансити, Левен, Мур (2006) каби муаллифларнинг ишларига асосланиб, шундай хулосага келиш мумкинки, экотизим бу тегишли маҳсулот ва хизматларни таклиф қилувчи ўзаро ҳамкорлик қилувчи ва рақобатчи фирмалар тизимидир.

Аднернинг (2006) фикрича, инновацион экотизимлар ўзаро боғлиқ механизмлари сифатида қаралади, улар орқали фирмалар ўзларининг индивидуал таклифларини миждозларга йўналтирилган изчил яхлитликка бирлаштиради.

Ушбу муаллифларнинг фикрича, экотизимнинг таърифи ўзаро муносабатларнинг маълум бир турини ташкил этиши ва унинг таркибий хусусиятларини акс эттириши керак. Уларнинг фикрига кўра, экотизимларнинг асосий таркибий хусусияти экотизимлардаги ўзаро таъсирнинг стратегик жиҳатдан фарқли табиатини белгилайдиган қўшма ихтисослашув каби хусусиятдир.

Дяченконинг (2018) фикрича, тижорат банкларида бизнес экотизимларни жорий қилиш, фойдаланувчилар ҳақида жуда кўп маълумотларни онлайн ва офлайн режимда тўплаш ҳамда қайта ишлашга, мавжуд бўлган ҳар қандай каналлар орқали самарали алоқаларни ўрнатишга имкон берадиган АТ-тизимларнинг етарли даражада ривожланганлиги ва кўплаб хизматларни масофадан туриб тақдим этиш имкониятини яратади.

Иқтисодчи олим Ивановнинг (2019) илмий изланишларида банк бизнесидаги экотизим концепцияси миждоз учун умумий қиймат билан боғлиқ бўлган бир нечта хизматларнинг битта фойдаланувчи интерфейсга қўшилиши қатор қулайликлар яратади дея фикр билдириб ўтган.

Бугунги кунда мамлакатимизда аксарият молиявий хизматлар мобил иловалар интерфейси орқали банкларнинг чакана миждозлари учун транзакциялар ва фойдаланувчиларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар кредит ташкилотлари томонидан рискларни баҳолаш, хизматларни шахсийлаштириш ва ўзаро сотиш учун фойдаланилади.

Банкларда мавжуд бўлган катта маълумотлар билан ишлашнинг улкан имкониятлари жумладан, рақамли тижоратда оқимларни йўналтириш, улар учун ноёб таклифларни яратиш ва уларни бошқа ресурслар билан бирлаштириш имконини беради. Буларнинг барчаси молиявий инфратузилма доирасида банк хизматларини тақдим этилиши учун ишлаши мумкин.

Шу сабабли, банкда мавжуд бўлган катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлашнинг улкан имкониятлари оқимни йўналтириш, унга ноёб таклифлар яратиш ва уларни бошқа ресурслар, масалан, рақамли савдо билан бирлаштириш имконини беради. Буларнинг барчаси банк хизматлари таъминлайдиган молиявий инфратузилма ичида ишлаши мумкин.

Янги ечимлар мижозларни жалб қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатларини сезиларли даражада камайтиришга, мавжуд ва янги хатарларни баҳолаш ва олдини олишга, янги даромад манбаларини топишга ва бошқаларга ёрдам беради.

Тадқиқот методологияси.

Ўзбекистон банк тизимида банк экотизимларини яратиш, банк хизматлари инклюзивлигини таъминлаш ва умуман олганда, иқтисодиётда банк хизматлари экотизимни ривожлантириш, хусусан, банк соҳасидаги экотизим хусусиятлари бўйича илмий ишларни амалга ошириш жараёнида соҳа олимлари ва вакиллари билан суҳбатлар ўтказилди, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинди, эксперт баҳоси берилди, иқтисодиётга тизимли ёндашув амалга оширилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Марказий банк томонидан молиявий инклюзивликнинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни ва аҳамияти чуқур англандан ҳолда, ушбу йўналиш 2017 йилдан бошлаб муҳим устувор вазифалар қаторига киритилди. Кейинчалик, 2019 йилда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши билан молиявий инклюзивлик билан боғлиқ вазифалар норматив-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Хусусан, қонунда кредит ташкилотлари мижозларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш Марказий банкнинг асосий функцияларидан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Шу муносабат билан Марказий банк томонидан банк инфратузилмасини оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган йирик филиаллар фаолиятини қисқартириш ҳисобига, кам харажат талаб этадиган ихчам банк офисларини ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, банк хизматларини чекка ҳудудларгача етказиш, аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва молиявий инклюзивлик даражасини оширишга хизмат қилди.

Шу кунгача, ёпилган 60 та филиал ўрнига 457 та банк хизматлари бўлимлари очилган бўлса, 2020-йилда қўшимча 200 та шундай филиаллар очиш режалаштирилган эди. 2026 йил бошида мамлакатимизда 36 та тижорат банкларининг бош офислари, 288 та банк филиаллари, 1729 та банк хизматлари марказлари (хизмат офислари ва мини-банклар), 5615 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчалари 24/7 ишламоқда” (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2025)).

Рақамли каналлар банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ ҳудудларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш орқали банк қамровини ошириш ва молиявий хизматлардан фойдаланишдаги ҳудудий тафовутларни камайтириш мумкин. Шу жиҳатдан, рақамли технологиялар банк тизимида инклюзивликни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Шу боис, сўнгги бир йил ичида ушбу тўлов тизими орқали тўловлар ҳажмининг мунтазам ўсиши ва кўрсатилаётган хизматлар кўламининг кенгайиши кузатилмоқда.

Ушбу жараён инновацион технологияларни доимий равишда жорий қилишни ўз ичига олади, бу бутун иқтисодиётни тўлиқ рақамли ўзгартиришга олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, савдо ташкилотларида савдо корхоналари томонидан маҳаллий ва халқаро карталарга параллел равишда хизмат кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тўлов терминаллари, банкоматлар ва инфокиосклар сони ҳамда тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси тўғрисидаги маълумотлар

Сана	Ўрнатилган тўлов терминаллари сони	Ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони	Тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси (йил бошидан), млрд. сўм
01.01.2020 й.	392 361	9 203	71 020,2
01.01.2021 й.	438 410	11 800	81 000,0
01.01.2022 й.	433 384	12 940	111 137,0
01.01.2023 й.	434 018	20 379	177 671,0
01.01.2024 й.	429 334	26 655	254 719,1
01.01.2025 й.	426 225	29 909	303 158,0
01.01.2026 й.	430 762	40 090	460 259,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2025) йиллик ҳисоботлари. https://cbu.uz/upload/medialibrary/fde/hhryqf4kb8vgrwci7dn2d802q6gfg459/MB-Statistik-byulleteni_-2025-yil.pdf.


1-жадвал маълумотларига кўра Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тўлов терминаллари, банкоматлар ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари сони йилдан-йилга ортиб бораётганини кўриш мумкин. Агар 2020-йил январ ойида ўрнатилган терминаллар сони 392361 тани, банкоматлар ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш инфокиосклари сони 9203 тани ташкил этган бўлса, 2026-йил 1-январ ҳолатига ўрнатилганлар терминаллар сони 430762 тани, яъни ўсиш 9,78 фоизни, ўрнатилган банкоматлар ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш инфокиосклари сони эса 40, 1 мингтани ташкил этиб, 435,6 фоизга ўсиш кузатилган. Ҳисобот йилида тўлов терминаллари орқали қабул қилинган тўловлар суммаси 2020 йилга нисбатан 389,2 трлн сўмга ўсиб, ҳисобот йилида 460,3 трлн. сўмга тенг бўлди (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2025).

Бугунги кунга қадар республикада халқаро талабларга жавоб берадиган ва учта тизимдан иборат – банклараро, банк ичидаги ва чакана тўлов тизимларидан иборат самарали тўлов тизими яратилган.

Мазкур жараён анъанавий банклар учун ҳам муҳим рақобат муҳитини шакллантирмоқда. Чунки мижозлар тобора кўпроқ қулай, тезкор ва мослашувчан хизматларни таклиф этувчи рақамли банкларни танлашга интилоқда. Бу эса банк хизматларини ташкил этишда ёндашувларнинг тубдан ўзгаришига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, рақамли технологияларни жорий этиш банкларга мижозлар ҳақидаги катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш имконини беради. Натижада, мижозларнинг хулқ-атвори, эҳтиёжлари ва афзалликларини чуқурроқ ўрганиш асосида индивидуал ёндашувни шакллантириш, рискларни аниқроқ баҳолаш ҳамда хизматлар сифатини ошириш имконияти кенгайди. Ушбу тизимнинг самарали ишлаши турли соҳаларнинг ўзаро узвий боғлиқлигига таянади. Хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги электрон ҳукумат, рақамли тадбиркорлик, масофавий таълим ва рақамли банк хизматларининг тўлақонли фаолият юритишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Шу боис, АКТ инфратузилмасини ривожлантириш рақамли иқтисодиётнинг асосий шартларидан бири сифатида намоён бўлади.



1-расм. Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар улушининг ўсиш динамикаси, фоизда

Манба: Рақамли трансформацияда банклар ва пуллар (<https://review.uz/post/banki-i-dengi-v-cifrovoy-transformacii>).

Ўзбекистон Республикасида ушбу йўналишда изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Миллий статистика қўмитаси уй хўжаликлари танланма кузатуви натижаларига кўра, йиллар кесимида интернетдан фойдаланувчиларни Ўзбекистонда сони ортиб бормоқда. 2025 йил январь–август ойларида мамлакат аҳолисининг 94,2 фоизи интернетдан фойдаланган. Бу эса рақамли платформалар ва хизматларга бўлган талабнинг ортиб бораётганини ифодалайди.

Бундан ташқари, мамлакат ҳудудларини алоқа инфратузилмаси билан қамраб олиш даражаси ҳам юқори кўрсаткичларга еришган. Жумладан, аҳоли пунктларининг 97 фоизи мобил алоқа билан қамраб олинган бўлса, мобил интернет қамрови 87 фоизни ташкил этган.

Бу кўрсаткичлар рақамли инфратузилма аҳолига кенг қамровли ва барқарор интернет хизматларини тақдим этишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади¹.

Бундан ташқари, кредит скоринги жорий этилган бўлиб, у 150 дан ортиқ ташкилотлар, жумладан, молия институтлари, коммунал хизмат кўрсатувчилар ва товарларни бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотувчи бир қатор савдо ташкилотлари маълумотларини қамраб олади ва таҳлил қилади.

Шубҳасиз, Ўзбекистонга техник ва дастурий таъминотни модернизация қилиш учун инвестициялар керак. Аммо энг янги технологиялар ўз-ўзидан маҳсулотга қиймат қўшмайди. Уларни энг катта аҳамиятга эга бўлган жойларда қўллаш керак. Бунинг учун тегишли кўникмаларга эга кадрлар керак.

Хулоса ва таклифлар.

Тижорат банклари экотизимларини ривожлантириш ва мижозлар учун қулай ҳамда шу билан бирга замонавий хизмат турларини жорий этиш уларнинг даромадлари кўпайишини таъминловчи восита эканлиги маълум бўлди. Аммо, молиявий муассасалар сифатида тижорат банклари янги банк маҳсулотларини жадал суръатлар билан бозорга чиқармоқда. Тижорат банклари ўз мижозларига масофавий хизмат кўрсатиш

¹ Рақамли трансформацияда банклар ва пуллар (<https://review.uz/post/banki-i-dengi-v-cifrovoy-transformacii>).

тизимларини доимий ривожлантириш орқали мижозлари сони ортиришига хизмат қилади ва натижада банк даромади ортишини таъминлайди.

Бунинг учун онлайн муҳит, интернет-банкнинг жуда мос келади. Бу эса, ўз навбатида, банк бизнеси учун ахборот хавфсизлигининг янги хатарларини келтириб чиқаради. Табиийки, бу ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ янги ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни талаб қилади.

Мамлакатимизда бугунги кунда ушбу тизим хавфсизлигини электрон тасдиқлаш учун махсус калитлардан фойдаланилади ва мижозлар улардан ўз ҳисобварақларига кириш ва тўловлар ўтказилганлигини тасдиқлаш учун фойдаланадилар. UzKard миллий тўлов тизими Payment Card Industry Data Security Standard 3.1 халқаро хавфсизлик стандартининг тўлов карталари маълумотларини қайта ишлаш ва етказиб бериш талабларига мувофиқлиги бўйича ССА-сертификатлаш аудитидан муваффақиятли ўтди. Мувофиқлик Compliance Control Ltd томонидан ўтказилган йиллик -ССА аудити натижалари билан тасдиқланган.

Мазкур юқорида кўриб ўтилган муаммо ва вазифаларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлардан бири-бу Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 24 май ойида қабул қилинган “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-162-сонли қарори (2023) ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 26 майдаги ПҚ-204-сонли қарорида молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга доир навбатдаги чора-тадбирлар белгиланган.

Мазкур қарорда тадбиркорлик субъектларига сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда ишончли рақамли молиявий инфратузилмани яратиш кўрсатиб ўтилган.

Унга кўра, мамлакатимизда молиявий хизматларни оммалаштириш учун 2030 йилгача кичик ва ўрта бизнес учун кредитлар портфели 3 баравар оширилади ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 20 фоизга етказиш режалаштирилган. Банклар томонидан гаровсиз онлайн микрокредитлар ўртача 1 соат ичида ажратилади, микрокредитлар улуши 60 фоизга етказилади.

Бундан ташқари, кредит тарихига эга бўлмаган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиявий хизматлардан фойдаланишини кенгайтириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, 2026 йил 1 декабрдан бошлаб Платформа доирасида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда муқобил скоринг моделини жорий этиш режалаштирилган².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида 2026-йил 1-майдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш жараёнида уларнинг тўлов қобилиятини баҳолаш учун харажатлар (солиқ, коммунал тўловлар, транзакцион операциялар ва бошқа ижобий кўрсаткичлар бўйича маълумотларни), товар айланмаси, экспорт операциялари каби давлат органлари ва хусусий сектор вакилларида шаклланган маълумотлар базаларида мавжуд маълумотлар орқали муқобил скоринг қилиш тизими жорий қилинди.

Ушбу тизимга асосан, хужжатлаштирилган молиявий тарихи бўлмаган, аммо фаол иқтисодий фаолият юритаётган кўплаб тадбиркорлар — солиқ тўлайдиган, коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қиладиган, савдо ва экспорт операциялари

²https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/kichik_va_urta_biznes_yangi_moliyaviy_hizmatlar_bilan_qullab-quvvatlanadi

амалга оширадиган — энди ушбу кўрсаткичлари орқали кредит олиш имкониятига эга бўлади.

Жаҳон амалиётида бундай "alternative credit scoring" ёндашуви молиявий инклюзивликни кенгайтиришнинг энг самарали усулларида бири сифатида тан олинган. Ўзбекистон ҳам бугун шу йўлга расман қадам қўйди.

Фармон бўйича 2026–2027 йилларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун жами 270 триллион сўм йўналтирилиши белгиланган — шундан тижорат банклари орқали кичик ва ўрта бизнесга 250 триллион сўм кредит ажратилиши режалаштирилган³.

Муқобил скоринг тизимининг ишга туширилиши айнан мана шу кредит ресурсларидан кўпроқ тадбиркорнинг фойдалана олишини таъминлашга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 2025 йил июнь ойида жисмоний шахслар учун харажатларга қараб миқдорли скоринг қилиш имконияти йўлга қўйилган эди. Шунингдек, банк хизматларини янада ривожлантириш мақсадида жисмоний шахсларни масофавий ҳамда биометрик идентификация қилиш тизимини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ёндашув миқдорларга хизмат кўрсатиш жараёнини сезиларли даражада энгиллаштириб, уларга куннинг исталган вақтида, жойлашувдан қатъи назар ҳамда банк филиалларига ташриф буюрмасдан туриб молиявий хизматлардан фойдаланиш имконини яратади. Натижада банк хизматларининг қулайлиги, тезкорлиги ва мавжудлиги янада ошади.

Шунингдек, молия бозорида яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш аҳолининг молиявий саводхонлиги даражаси ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими билан бевосита боғлиқдир. Бу эса молия институтлари ва миқдорлар ўртасидаги ишончли мустақамлаш ҳамда узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, банк тизимида рақамли технологияларни жорий этиш жараёни изчил давом этмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Рақамли трансформация банк хизматлари сифатини ошириш, операцион самарадорликни кучайтириш ҳамда миқдорларга қулайлик яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Adner, R. (2006) *Match your innovation strategy to your innovation ecosystem* / R. Adner // *Harvard Business Review*. – Vol. 84, № 4. – P. 98–107.

Jacobides, M. (2018) *Towards a Theory of Ecosystems* / M. Jacobides, C. Cennamo, A. Gawer // *Strategic Management Journal*. – Vol. 39, iss. 8. –P. 2255–2276.

Дяченко О. (2018). *Финансовая экосистема: все в одном. Национальный банковский журнал (НБЖ)*. 2018.

Иванов А. *Экосистема наоборот [Электронный ресурс]* // *vc.ru*. (2019) *Режим доступа: <https://vc.ru/finance/97873-ekosistemanaoborot>*.

Қарор (2023) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-162-сонли қарори*.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2025) *Йиллик ҳисоботлари*. https://cbu.uz/upload/medialibrary/fde/hhryqf4kb8vgrwci7dn2d802q6gfg459/MB-Statistik-byulleteni_-2025-yil.pdf.

Фармон (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон фармони, 28.01.2022*.

³https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/kichik_va_urta_biznes_yangi_moliyaviy_hizmatlar_bilan_qullab-quvvatlanadi.